

ИЛМНІТ ОММАБОП МЕДИЦИНА АДАБИЕТИ

И. С. ВИНТОВКИНА

ҰСМИР ҚИЗГА

Винтовкина И. С.
В 62 Үсмир қизга. Т., «Медицина», 1977.
 Жо б. расм.

Ушбу китобча ўсмир қизларга атаб өзилган. Китобчада ўсмир қизларнинг шахсий гигиенаси, организми чиниқтириши нинг асосий поситаларидан бири бўлгач жисмоний тарбия юзасидан зарур маслаҳатлар берилади. Рисолада сиҳат-саломат бўйлини ва соглини мустаҳкамланшинг асосий шарт-шаронтилари баёни қилинади, терни ва сочни парвариш қилишининг усуллари муфассал ёртилади.

Китобча ўрта ва ююри синиларда ўқайдиган қизларга мўлжалланган.

Винтовкина И. С. Девочке-подростку.

613.5

В 52400—46
М354(06) 58—77

© Издательство «Медицина», Москва, 1978.
 © УзССР «Медицина» нашриёти, 1977.
 Ўзбекчага таржима.





Салом, қизгина!

Мана, сен ўн иккига, эҳтимол ўн түртга тўлгандирсан. Сен энди кап-катта қиз бўлиб қолдинг. Бу даврда организмда чуқур ўзгаришлар юз берishiга алоқадор янги давр бошланади.

Бу ўзгаришларни балки ўзинг ҳам пайқагандирсан. Характерингниң ўзгариб қолганини ўзинг ҳам сезгандирсан. Баъзан негадир қўнглинг ғаш бўлади, Ҷиғлагинг келади, кеча

бўлса бекордан-бекорга бувингнинг дилини оғритдинг, бу қилмишингдан ҳозир ўзинг ҳам хижолат бўлсанг керак. Кейинги йилларда бўйнинг анча чўзилиб қолди, ўзингни сал-нал беўхшов сезасан. Қўлларинг уппаузун бўлиб қолган, уларни қаерга қўйишини билмай қоласан. Оёқларинг ҳам ўсиб кетди. Айрим дугоналарингни бурни хунук бўлиб қолган, ҳуснбузар тошган.

Организмингда ўзгаришлар шу қадар тез содир бўляптики, баъзан ҳатто ўзингни ҳам танимай қоласан. Бот-бот кўзгуга қарав одатини чиқардинг, сочинги бошқача турмаклашни хоҳлаб қолдинг, чиройли қўйлаклар кийингин келади, қани энди тезроқ катта бўла қолсанг ва кўҳлик, сарвқомат бўлсанг. Ҳойнаҳоӣ, сен ўзингни бошқа қизларга солишириб кўриб, ташқи қўринишинг тўғрисида кўпинча ўйлаб қоласан.

Хўш, сен нега бунчалик ўзгариб кетдинг? Феъл-авторинг, кўринишинг, қизиқишлиарингда рўй берган ўзгаришларинг сабаби нимада?

«Ўтиш даври» деган иборани катталардан эшитгандирсан — бу ҳаётнинг шундай бир даврики, унда ҳақиқатан ҳам болаликдан ўсмириликка ўтилади. Ҳозир сен худди шу даврни бошингдан кечирияпсан. Энди сен бола эмассан, кап-катта қиз бўлиб қолгансан, лекин ҳали балофатга етганинг йўқ. Бу давр ички секреция безлари фаолиятининг ўзгаришига боғлиқ, зеро, ана шу безлар ишлаб чиқарадиган моддалар «организм ичига, қонга» тушади.

Инсон жинсини (аёл ёки эркакни) белгилайдиган жинсий безлар ҳам ана шу ички секреция безларига киради. Бу безлар балофатга етиш даврида ишга тушади, гормонлар ажратса бошлайди. Ана шу гормонларнинг организмда пайдо бўлишига қараб болалик, ёшлик ва ҳоказо даврларни аниқлаймиз. Усмирилик даврида суяклар, айниқса қўл ва оёқ суяклири тез ўсади, мускул кучи ортади.

Бироқ бу даврда ҳамма аъзоларнинг ўсиши ва ривожланиши бир текис кечади, деб бўлмайди. Юрак ва томирларнинг ривожланиши та-нанинг дуркунлашиб кетишидан орқада қолади, мускул кучининг кўпайиши билан айни чоғда уларнинг чидамлилиги ҳам ошади, деб тушун-маслик керак. Организмингиз фаолиятида ўйгунлик ҳукмон бўлгунга қадар, танангиз нисбатлари камолот даражасига яна иккичу ҳил сабр қилишга тўғри келади. Ӯшандан кейин ҳар бирингиз ўзингизга хос ҳусну латофат соҳибаси бўласиз.

САРВҚОМАТ БҮЛ

Агар қыз бола сиҳат-саломат ўсса ва ҳар тарафлама уйғун ривожланса, танаси аёл зотига хос латофат касб этадики, бундай қизни чиройли, гүзәл дейдилар. Тани соғ кишининг юзидан нур ёғилиб туради, сочи чиройли, териси ёқимли, кайфи чөг бўлади, ўқиб, ишлаб чарчамайди, ҳузур қиласи. Чиройли қадди-қомат ҳам кишига ҳусн беради. Кўча-да кетаётганингда одамларга разм солгандирсан, албатта. Қадди-қомати келишган одамларга бир дақиқа тикилиб ҳам қолгандирсан балки. Кўпинча ҳарбийлар ва спорт билан шуғулланувчи кишиларнинг қомати ана шундай чиройли бўлади. Қадди-қоматнинг чиройлилиги гавдани тўғри тутишга — тананинг адл, соғлом одамга хос равища чиройли туришига боғлиқ. Қоматни тўғри тутиш деганда нимани тушунмоқ керак? Қоматни адл тутиб юришга одатланиш учун нималар қилиш даркор?

Ҳа, қоматни қандай тутиб юришда гап кўп. Киши ўз гавдасини икки ҳолатда: тўғри ёки нотўғри тутиб юриши мумкин, бу эса ўзингга боғлиқ.

Киши гавдасини ва бошини тўғри тутиб, елкасини сал кериб ва кўкрагини бир оз олдинга чиқариб юрса, бу тўғри ҳолатда туриш ҳисобланади. Эринмай шундай туриб кўргин-чи, қоматингнинг чиройли кўринаётганига ўзинг ҳам иқрор бўласан. Ие, қачонгача бундай туриш мумкин, дерсан балки. Тўғри, аввалига қийналасан. Лекин агар сен гавдангни тўғри тутишни унутмай, қоматингни шу хилда тарбиялаб борсанг, гавдангни бундай ҳолатда тутиб юриш сенга одат бўлиб қолади.

Гавдани тўғри тутиш осон бўлсин учун бунга имкон берадиган мускулларни етарли даражада ривожлантириш лозим. Бунга эса танадаги барча мускулларни баб-баравар мустаҳкамлаш йўли билан эришилади. Бунинг учун сен аввало гимнастика қилишинг, спорт билан шуғулланишинг, партя ва стулда тўғри ўтиришга одатланинг зарур. Айниқса эрталаб ўриндан турганда гавдани тўғри тутиш қийинроқ бўлади. Шу боисдан ҳам кунни эрталабки гимнастикадан бошлишнинг хосияти кўп. Гимнастика мудроқ танадаги уйқу «қолдиқ» ларини дарҳол қувиб юбориб, организмга кун бўйи тетиклик бағишлайди. Гимнастикани ҳар доим яхшилаб шамоллатилган хона, яххиси очиқ ҳавода бажариш мақсаддага мувофиқ. Ҳар тонгда болалар учун радио орқали 10 минутлик гимнастика машқлари эшиттирилади. Ана шу машқлар комплекси билан шуғулланишни сенга жуда маслаҳат бераман. Агар бунга вақтинг бўлмаса, мана бу машқлар комплексини тавсия қиласман¹.

¹ СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Г. Н. Сперанский-нинг «Родителям о здоровье школьника» китобидан олинди.

Гимнастика узоги билан 10—12 минутдан ошмаслиги, шу вақт ичида 10—12 та машқ бажариш лозим. Барча машқлар түртгача санаң билан бажарилади (4—5-расм).

Аввал юришдан бошлаб, сүнг машқларни бажаришга кириш. Дастьлабки ҳолат — тик туриш. Оёқларинги бир оз кериб тур.

Биринчи машқ — чүзилиш. Шошилмай 6—8 марта тақорланади. Оёқларни бир оз керіб, «бир-иккі» деганда құллар юқори күтарилади, оёқ учыда туриб күтарилиб, нафас олинади. «Уч-түрт» деганда ростланиб, құллар туширилади — нафас чиқарилади.

Иккінчи машқ — құлларниң айланма ҳаракатлари. Құллар олдинга — юқорига күтарилади, гавдани ростлаб, оёқ учыда күтарила ди — нафас олинади. Құллар ёнға — пастга туширилади, нафас чиқарилади. Құллар туширилиб, елка керилади, кураклар бир-бириға яқинлаштирилади. Машқ 4—8 марта тақорланади.

Үчилини маңында құллар ва оёқларни орқага узатыш. Құлларни күтариб, имкени бориңа орқага узатылади, бир оёқни учы билан орқага қўйилади ва бел букилади — нафас олинади. Дастьлабки ҳолатта қайтилади — нафас чиқарилади. Иккінчи оёқни орқага қўйиб, шу машқ бажарилади. Белин букиб, кураклар бир-бириға яқинлаштирилади. Машқ 4—8 марта тақорланади.

Түртінчи машқ — ўнгга ва чапга бурилиш. Дастьлабки ҳолат — оёқлар елка кенглигінде қўйилади. Құллар учини елкага қўйиб, гавда чапга бурилади — нафас олинади, дастьлабки ҳолатта қайтилади — нафас чиқарилади. Гавдани ўнг томонга буриб, машқ тақорланади.

Гавда ва бошни түрги тутиб, құллар букилади, елкани орқага керіб, кураклар бир-бириға яқинлаштирилади. Товоңлар қимирлатылмайды. Машқ 4—6 марта тақорланади.

Бешинчи машқ — ён томонларга эгиллиш. Дастьлабки ҳолат — оёқлар керилади, құллар гардоңга қўйилади. Гавдани чапга эгіб, нафас чиқарилади, дастьлабки ҳолатта қайтилади — нафас олинади, ўнг томонга эгиліб, машқ тақорланади. Машқни бажарында бошни түрги тутиб, тирсак орқага тортилади. Оёқлар ҳамниша түрги туриши керак. Машқ 4—6 марта тақорланади.

Олтинчи машқ — «үтиңчи». Дастьлабки ҳолат — тик туриб, оёқлар керилади, құлларни балаңд күтариб, бармоқлар чалиштирилади. Тез олдинга энгашиб, құлларни бир-биридан айпрамаган ҳолда оёқлар орасыдан ўтказылади — нафас чиқарилади, ростланиб, дастьлабки ҳолатта қайтилади — нафас олинади.

Энгашаётганды оёқлар тик тутилади, гавдани кескин эгилади. Машқ 4—6 марта тақорланади.

Еттинчи машқ — гавданиң айланма ҳаракатлари. Дастьлабки ҳолат — тик туриб, оёқлар керилади, құлларни юқорига күтариб, бармоқлар чалиштирилади. Гавдани галма-галдан ўнгга, олдинга, чапга, орқага эгіб, айланма ҳаракатлар қилинади. Олдинга энгашганда нафас чиқарилади, орқага эгилганды нафас олинади. Ҳамма ҳаракатлар бетүх-

тов бажарылади, қад тик ҳолатда тутилади. Машқ шошмасдан бажарыллади. Ҳар бир томонга әгилиб, машқ 3—4 марта такрорланади.

Саккизинчи машқ — чүнқайиб ўтириш. Тизза ва құлларни ён томонга иложи борича кериб, чүнқайиб ўтирилади. Гавда ва бош тик тутилади, елкани орқага тортиб, кураклар бир-бирига яқинлаштирилади. Машқ 3—5 марта такрорланади.

Түккизинчи машқ — оёқни күтариб, белни букиш. Гиламчага құлларни ёзиб, кафт билан полга таянған ҳолда күкракни қўйиб ётилади. Бош пастга әгилади.

Чап оёқни орқага — юқорига күтариб, белни букиб, орқага ташланды, дастлабки ҳолатга қайтилади. Ўнг оёқни күтариб, машқ такрорланади. Эркин нафас олинади.

Үниинчи машқ — «велосипедчи». Дастьлабки ҳолат — чалқанча ётилади, құллар гавда бўйлаб узатилади. Оёқларни юқори күтариб, велосипед ҳайдётган киши ҳаракатларига ўхшатиб навбатма-навбат букиб, ёзилади. Эркин нафас олинади. Машқни ҳар бир оёқ билан 5—7 мартадан такрорланади.


Ўн биринчи машқ — «қайчи». Чалқанча ётиб, құллар гавда бўйлаб узатилади, оёқлар чўзилади. Оёқни навбатма-навбат юқори күтарилади. Эркин нафас олинади. Машқни ҳар бир оёқ билан 4—6 марта такрорланади.

Ўн иккичи машқ — гавдани күтариш. Чалқанча ётилади, құллар гавда бўйлаб узатилади. Иккни қўл билан полга таяниб ўтирилади. Қадин ростлаб, құлларни орқага узатиб, кураклар бир-бирига яқинлаштирилади. Дастьлабки ҳолатга қайтилади. Эркин нафас олинади. Оёқлар ҳамма вақт тўғри туради. Машқ 4—8 марта такрорланади.

Гимнастика машқларини бажараётганда албатта тўғри нафас олиш керак. Гавда тўғри турганида, құлларни ён томонга ёзганда ёки юқорига күтарганда нафас олиш лозим. Құлларни пастга туширганда эса нафас чиқариш керак, машқларни бажаришга киришишдан олдин дастьлабки ҳолат, деб аталадиган вазиятда туриш керак — бу шундай ҳолатки, олатда машқлар шу вазиятдан бошланиб, шу вазиятда тугалланади. Машқлар бошланган дастьлабки күнларда мускулларинг зирқираб оғриса, бунга парво қилмай, гимнастикани давом эттиравер, чунки бу оғриқ тезда ўтиб кетади. Гимнастика машқларини бажариб бўлганингдан кейин душга туш, душда чўмилишга улгурмаган күнларингда эса беллинггача ечниб албатта ювни, сўнг сочиқ билан яхшилаб ишқалаб арт.

Гавдангининг қай ҳолатда эканини фақат юриб жетаётганингда эмас, балки стол ёнига ўтириб даре тайёрлаётганингда ҳам эсингдан чиқарма. Қандай ўтираётганингни назорат қили (1-раем). Агар сен буқчайиб ўтирасанг, чап елканг пастга тушиб кетган, ўнг елканг юқори күтаришган, бошинг эса столга тегай-тегай деб турадиган бўлса, у ҳолда келгусида сарвқомат бўлишингга сира ҳам ақл бовар қилмайди.

Агар сен бундан буён ҳам шундай ўтираверсанг, букир бўлиб қолишинг мумкин. Бунда кўкрак қафаси торайиб, деярли ясси бўлиб қолади, курак бурчаги дўипайиб, худди қанотга ўхшаб қолади, қорин ҳам қап-



паяди. Елканинг биттаси паст, биттаси баланд бўлади. Қейинроқ бориб умуртқа поғонаси қийшиқ ўсиши мумкин. Бу жуда зарарли, чунки умуртқа поғонаси қийшайганда юрак ва ўпка фаолиятъ бузилади, кишининг ҳолати жуда хушук бўллиб қолади.

Тўғри ўтиришга ўрган: қаддигин тик тут, бошинг бир оз эгилган ҳолатда бўлсенин, белинг стол суючиғига, оёғинг ерга бемалол тегиб турсин. Иккала қўлинг стол устида бўлсенин (2-расм). Кўкраганинг билан столга суюма. Кўзинг ва дафтар орасидаги масофа 35 сантиметрдан кам бўлмасин. Бу масофани аниқлаш эса оппа-осон; қўлинигни букиб, тирсангнигни столга қўйганингда бармоқларнинг учи кўзинг бурчагига тегиб туриши керак.

Ётадиган ўрин-бошиниг ҳам кўнгилда гидек бўлиши зарур. Тўшагинг қаттиқроқ, ёстигиниг эса настроқ бўлсенин. Қаддиқомати бузила бошлагани қизлар тўшаклари остига тахта қўйиб ётганилари маъкул.

Спорт билан ҳам шугулланиб тур. Спорт секциялари, спорт мактабларида қатнашиш қандай яхши! Вақтим йўқ, деган баҳопани қўйинг. Ҳар бирингиз мактабдаги машгулотларга зарар етказмаган холда ҳафтада 2—3 марта 1,5—2 соатдан спортга вақт ажратишингиз мумкин. Бадний гимнастика ва фигурали конъки стиш жуда фойдали, бу машқлар кинининг сарвқомат, латофатли бўлишига ёрдам беради, ҳаракатлар уйғун ва чироили бўлади. Спорт ўйинлари ичида фойдалилари волейбол, баскетбол ва кичик тенисdir. Бу ўйинлар, хусусан баскетбол гавдангизининг уйғун ривожланишини таъминлайди (3-расм).

Спорт машгулотлари ўқишинингизга халақит бермайди, аксенича, сизларга янгидаи-янги куч ва гайрат бахш этади. Спорт туфайли сиз камроқ чарчайдиган бўласиз.

Баъзан оёқнинг оғриши, юрганда,

юрганда чарчаş ҳоллари қоматингизнинг уйгун ривожланишига халақит беради. Бунга күпинча ясси оёқлик ривожланиши (оёқ таги-ниш ясси бўлиб қолиши) сабаб бўлади. Агар сизда шундай ҳодисалар пайдо бўлса, ортопед-врачга боринг. Врач оғигизнинг нега оғриёт-ганини аниқлаб, шунга яраша даволайди.

Лекин бундай оғриқлар сен тенги ўсмирларда кўп учрайдиган ҳодисага — бойлам аппаратининг нимжонлигига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда оёқ кафтиниш гумбази бир оз қалин тортади, буни тузатса бўлади.

Оёқ кафти гумбазини мустаҳкамлаш ва яссиоёқликниг олдини олиш учун иотекис жойларда яланг оёқ юриш, сувда сузиш жуда фойдали. Булардан ташқари, қуїидаги машқларни бажариш тавсия этилади: тиззани букмасдан оёқ учida юрилади, оёқ иложи борича юқори кўтарилади, сўнгра оёқ бармоқларини юқори кўтарган ҳолда товонда юрилади, оёқ учida туриш ҳолатидан аста-секин товонда туришга ўтилади. Золдир билан бажариладиган машқларнинг ҳам нафи катта. Золдирни чап оёқ бармоқлари билан қисиб олиб, ўнг оёқ орқасига думалатиб юборилади, ўнг оёқ билан ҳам худди шундай қилинади. Хуллас, оёқлар шу тарни галма-гал машқ қилдирилади. Золдирлар билан бошқача машқ ҳам бажариш: уларни бармоқлар билан қисиб олиб, оёқ юзасининг ён томони билан ҳам юриш мумкин.

Бу машқларнинг ҳар бирини 4—5 мартадан тақрорлаш керак.

Яссиоёқлик аломатлари бўлган қизлар сандал ва пошнасиз спорт шиннаклари киймасликлари керак. Уларга пошнаси пастроқ туфли кийиш тавсия этилади.

ТЕРИНГНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШГА ОДАТЛАН

Сиз, қызлар борган сарп юзингиңга эътибор берадиган бўлиб, қоласиз. Йозида ҳусибузар найдо бўлишига, терининг куруқ ёки, аксинча, ёғли бўлишига ҳеч бир қиз бефарқ қарамайди, албатта.

Теридағи ўзгаришларниң сабаби нимада? Хўш, нима учун энди тери аввалгидек эмас, бошқачароқ бўлиб қолди?

Кишининг қалбиниң кўзидан биллиб олса бўлади, дейишади. Кишининг териси — унинг барча аъзолари ва системалари ҳолатини акс эттирувчи бамисоли бир кўзгу. Ички аъзоларниң кўпгина касалликлари, молдалар алмашинуви бузилиши терида турли ўзгаришлар содир бўлиши билан кечади. Сизларниң ёшингиздаги қизларда ички секреция безлари фаолиятида рўй берадиган ўзгаришлар муносабати билан терининг хусусиятлари ҳам ўзгаради.

Тери мураккаб тузилаған. Терининг вазифалари ҳам ниҳоятда хилма-хил. Тери оғриқ, босим, бирор нарсанинг тегиши, совуқ, иссиқ ва бошқаларни унда жойлашгани нерв охирлари орқали сезади. Тери танада ҳароратни доимо бир меъёрда тутиб туради. Совуқ таъсирида томирлар тораяди ва иссиқлик ажralиши камаяди, иссиқ таъсирида томирлар кенгаяди, тер ажralиши кучаяди, тер буглангаңда иссиқлик ажralиши кучаяди, натижада бадан совийди. Одаминиң териси зараплашмаган ва тоза бўлса, касаллик қўзгатувчи микроблар организмга кира олмайди. Олимлар шундай бир қизиқ тажриба ўтказишди. Чунончи, улар касаллик қўзгатувчи микроблар (стрентококклар) иш бармоқка қўйишган. Шунда тоза терида уларниң миқдори тезда камайиб кетгани. Бармоққа туширилгандан кейин 3 минут ўтгач микробларниң сони 30 миллион бўлса, иккى соатдан сўнг улардан бор-йўғи 7 мингтаси қолган, холос. Ич терлама микробларни тоза терида 10 минут ичидажек ўлади.

Шунинг учун ҳам ёши катта кишилар сизга қўлни тозалаб ювиш кераклигини тез-тез уқтириб турадилар.

Терида кўплаб ёг ва тер безлари бўлади. Ёг безларидан ажralиб турадиган ёғ терини қайишқоқ ва майни қиласди, уни қуриб қолиш ва ёрлишдан сақлайди. Усмирилик ёшида ёғ безларининг фаолияти кучаяди. Агар безлардан меъёридан кўп ёғ ажралса, юз ёғли бўлиб, ялтираб туради. Ёғли тери салга яллиглапади, ҳусибузар тошиши ва йирингли касалликлар найдо бўлиши мумкин. Сенинг ёшингдаги қизларда кўпинча ёғ безларининг яллигланиш касаллиги (ҳусибузар) учраб туришининг боиси шунда.

Шунингдек, тер безлари, айниқса қўлтиқ ости безлари ҳам ишлай бошлайди, буни (сен чамаси плгари сезмагансан) териниг ўзига хос ҳидидан билашинг мумкин.

«Етилиш» даврида терида ана шундай ўзгарышларининг рўй бериши уни ҳафсала билан ва тўғри парвариш қилишин талаб этади. Ҳуснбузар ва йирингли майда ярачаларни, айниқса улар юзда бўлса, асло бармоқ билан ситмаслик керак. Агар шундай қилинса, ҳуснбузар баттар тошиб кетади. Натижада юзни яра-чақа босиб, ҳатто йирингли яра пайдо бўлади. Врач маслаҳатиниз юзга крем суртиш ҳам ярамайди. Ойинг ёхуд дугонанг ишлатадиган крем сенинг теринингга ёқмаслиги мумкин. Сен бутика парво қилимай, уни суртаверсанг, ўзингга жабр қиласан, холос. Агар юзининг йирингли ярачалар ёки ҳуснбузар пайдо бўлса, врача бор. Врач қўлидан кеягани ёрдамини сендан аямайди.

Энди терини парвариш қилиш ҳақидаги баъзи бир маслаҳатларга қулоқ сол. Аввало шуни эсда тут, ҳафтада бир марта мочалкани совунлаб иссиқ сувда ювишнишга одатланиш керак. Бир олимнинг ҳисоб-китобига қараганда, соғлом одам ваннада яхшилаб бир марта чўмилганда 1212 миллион микробдан халос бўларкан.

Териси ёғли қизлар юзларини совунлаб ювишлари керак, агар «Детское» совуни ишлатилса, яна яхши. Ювинганда совун кўпиги 1—2 минутгача юзингизда турсин, шундан кейин юзни ҳам иссиқ, ҳам совуқ сув билан ювиб ташланг. Агар тери ёғли бўлиб, бот-бот ҳуснбузар тошиб турса, юзингизга 1—2 процентли салицил спирти (дорихоналарда сотилади) ёки чакамуғ (календула) эритмасини (ярим стакан сувга бир чой қошиқ ҳисобида) ҳар куни 2—3 марта суртиб, сўнг артиб ташланг, бу жуда фойда қиласди. Териси қуруқ қизлар яхшиси кечқурун юваниб, юзларига лаполинли крем суртганлари маъқул.

Терини парвариш қилишда қўлланиладиган бу воситалар тўгри овқатлангандагина яхши самара бериши мумкин. Териси ёғли қизлар серёғ ва ҳамир (макарон, оқ нон) овқатларни ҳамда шприиликларни камроқ ейишлари, ўйр ва аччиқ таомлардан иложи борича ўзларини тийиншлари зарур. Бунда қора смородина ва наъматак (улар таркибида витамин С кўп), шунингдек, витамин В групласига бой бўлган гречиха ёрмасидан қилингани бўтқа, сут, жавдари нон еб юриш фойдали. Дорихоналарда сотиладиган қуруқ ачитқилардан ичиб туриш керак. Териси қуруқ қизларга таркибида витамин А сероб бўлган таомлар, чунончи: сариёғ, жигар, тухум сарифи, сабзи фойдали.

Ичининг юришиб туриши ҳам гоят муҳим. Ҳар куни албатта ичининг келиб туриши керак. Қабзиятнинг чорасини топа олмасанигиз, врачга боришингиз лозим.

СОЧИНГНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШНИ ЎРГАН


Чиройли, ярқираб турадиган қалин соч ҳар қандай кишига ярашади, айниқса бундай соч қиз боланинг ҳуснига ҳусн қўшади. Соч чиройли бўлиши учун тўғри парвариш қила билиш керак, бунинг учун эса сочнинг қандай тузилганлигини билмоқ зарур.

Сочнинг ялтироқлиги ва майнлиги ёғ безларидан ажralиб чиқадиган ёғ миқдорига боғлиқ, ёғ безларининг йўли соч халтачасига очилган бўлади. Ёғ-соч халтачаси бевосита соч илдизлари юзасига очилади ва сочни ҳамда бош терисини мойлаб туради. Сочнинг қуруқ, ёғли бўлиши безлардан ажralиб чиқадиган ёғ миқдорига боғлиқ. Лекин сочнинг қуруқ ёки ёғлилиги ўзгариб туриши, яъни гоҳ ортиқ, гоҳ камайиши ҳам мумкин. Киши ҳар хил дардларга чалингандা, масалан, камқонликда, ейиладиган овқатда витаминлар етишмаганда соч жуда қуруқ бўлиб кетиши мумкин. Бироқ кўпинча бунга сочни тез-тез ювиб туриш ҳам сабаб бўлади.

Ёғлилиги нормал бўлган сочни ҳар ҳафтада бир марта ювилса киғоя, қуруқ ёки ёғли сочни эса ойига 2—3 мартадан ортиқ ювиш ярамайди.

Сочни қуруқ қизлар ҳар гал бошларини ювганларидан кейин соchlари тагин ҳам қуруқ, мўрт бўлиб қолганини, бошларида қазғоқ кўпайиб кетганини ҳойнаҳой пайқаган бўлсалар керак. Бунинг боиси шундаки, сув билан совун тери ва сочни яна ҳам ёғсиз қилиб қўяди. Ёғли соч ботбот ювилганда эса ёғ безларининг тез-тез таъсиrlаниши оқибатида ёғ одатдагидан кўп ажralади.

Сочни совун кўпигида ювиб, илиқ сув билан чайиш керак. Бошга совун суртиб ювсангиз, соч мўрт бўлиб қолади. Қуруқ сочни ювганда яхшиси «Ланолиновое», «Детское» ёки «Спермацетовое» совунларини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Лекин совун ўрнига тухум сариғидан фойдалансангиз яна ҳам яхши бўлади, чунки тухум сариғида витаминлар кўп. Тухум сариғида бўладиган витаминлар ҳамда лецитин моддаси бош терисига кириб, унн юмшатади ва соч ўсишига имкон яратади. Ювишдан олдин тухум сариғи илиқ сувда аралаштирилади. Сўнгра ана шу аралашма бош терисига ҳафсала билан суртилади. Орадан 3—5 минут ўтгач соч илиқ сувда яхшилаб ювилади, шундан кейин эса тухум қолдиқлари мутлақо қолмаслиги учун бошни сирка эритмаси (эссенцияси эмас!) бллан (1 ош қошиққа 1 литр сув ҳисобида) чайиш лозим. Қуруқ сочни шампунда ёхуд суюқ атир совунда ювиш ҳам ярамайди, чунки улар спиртда тайёрланади, спирт эса сочни баттар қуритиб юборади. Бош ювишдан олдин сочга канакунжут мойи суртиш фойдали, чунки бу мой сочининг қалини бўлиши ва тез ўсишига ёрдам беради. Бу-



Аввало, сочиниг яхшилаб тарашинг керак. Агар сочларинг тўзиб кетган бўлса, гарчи жуда яхши кийинган бўлсанг қам, одамлар сени «пала-партиш» дейишади.

Дугоналарингнинг сочини турмаклаши сенга ниҳоятда ёққан бўлса ҳам, сен унга тақлид қилма, чунки сочин бундай турмаклаш сенга ярашмаслиги мумкин. Бунда сен ўз услубининг эга бўлишинг, ўзининг ярашадиганини билib олишинг жуда муҳим. Акс ҳолда урф бўлган, бинобарин, энг чиройли турмак ҳам сени ҳатто хунук кўрсатиш мумкин. Агар юзи юмалоқ қизнинг сочи кокил қилиб ўрилган бўлса, уни бошга айлантириб ўраш ёки лентани каналак нусха қилиб bogлаш ярамайди, чунки бунинг натижасида юз янада катта бўлиб кўринади. Бундай қизлар сочларини юқорига кўтариб, сочининг ён томонларини таранг, силлиқ қилиб қўйишлари лозим. Сочни битта қилиб ўриб, тагидан энли лента bogлаш ҳам чиройли кўринади. Умуман, энли лента ва кўхлик бант сочин турмаклашда энг яхши безак ҳисобланади.

Юзи озгин ва чўзинчоқ қизларга сочин бошга айлантириб ўраш ёки «саватнусха» қилиб бантик bogлаш ярамайди. Агар сочин яхши бўлса, уни кокил қилиб ўрганинг маъқул, энг чиройлиси шу. Лекин бунинг учун сочин чиройли қилиб, саришталик билди ва юзга ярашадиган тарзда ўришни билиш керак. Агар сочиниг калта бўлса, олдираганинг маъқул. Калта соч қайта олдирилганда тез ва қалин бўлиб ўсади. Сочни бежирим қилиб ва тўғри олдирисанг, уни эплашинг осон бўлади.

КҮЗ ГАВҲАРДАН ҚИММАТ

Кўз — табиатнинг сенга ато этган бебаҳо инъомики, уни ниҳоятда авайлаб, асранинг керак.

Оламнинг чекисизлигини, табиат фусункорлигини, ундаги рангларнинг турли-туман жилваларини, бадиий асарларнинг тақрорланмас гўзаллигини кўзимиз билан кўриб биламиз. Шу боисдан ҳам доно халқ: «Кўз гавҳардан қиммат», дейди.

Сизлар қўзинигишни авайлаб, асрайсанми? Ота-оналарингизнинг: «Ётиб китоб ўқима, қоронгида ўқима, китоб-дафтарларинг устида мукка тушиб олма», деган маслаҳатларига қулоқ соласизми? Биламан, кўпинча қулоқ солмайсиз. Бу хилдаги маслаҳатларни сиз ота-оналарнинг «инжиқ»лигига йўясиз. Баъзи бирорларингиз ётиб олиб ўқинши яхши кўрасиз, бошқаларнинг гира-шира бўлиб қолса ҳам китобдан кўзни узганиги келмайди, учинчи бир тоғфа қизлар китоб ёки дафтар устига шунчалик энгашиб олади, кўрган одам: «німа бало, бу қиз бурни билан ўқиб, бурни билан ёзяпти шекилли» деб ўйлаши мумкин.

Одатда, шунақанги «антиқа» ўқиш тарафдорлари қўз доктори текширувидан ўтказилганда, аксари, уларда узоқдан кўрмаслик касаллиги авж ола бошлаганлиги маълум бўлади.

Узоқдан кўрмаслик дегани нима ўзи? Унинг авж олишига инмалар сабаб бўлади? Узоқдан кўрмасликнинг олдини олиш мумкинми? Ушбу саволларга қўйироқда жавоб берилади. Лекин бунинг учун аввал кўзнинг қандай тузилганлигини ва қандай ишлашини билиб олишинг керак.

Кўз мураккаб оптика системадан иборат. Машхур немис физик олимни ва врачи Герман Гельмгольц «инсоннинг барча сезги органлари ичидаги кўз... табиатнинг энг аъло эҳсонидир», унга «физиклар тенги йўқ ноёб оптика асбоб намунаси сифатида доим тақлид қилишга уринишган», деб ёзган эди.

Кўз юмалоқ шаклдаги тана бўлиб, сиртдан склерада (юонча «қаттиқ» деган маънени билдиради) деб аталадиган юпқа парда билан қопланган. Склерада олд томондан дарча бор, шу дарча тиниқ, ниҳоятда тоза, бетиним равишда кўз ёши билан ювилиб турадиган мугуз ром сифатида ўрнатилган ёй парда ва кўз қорачиғи шу ердан қўриниб туради.

Ёй парданнинг ранги бўёвчи моддаларнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Бўёвчи модда жўп бўлса, кўз қора ёки жигар ранг, кам бўлса кўк ёки зангори бўлади.

Кўз қорачиғи — ёй пардадаги тешик бўлиб, ўз ҳаракатига кўра фотоаппарат диафрагмасининг ишлашига ўхшаётди. Ёруг равшан бўлганда қорачиқ тораяди, ёруг кам бўлганда эса кенгаяди. Кўзининг бу хусусияти мослашиш (адаптация) дейилади.

Қорачиқ ортида иккى томони бўртиқ лизза шаклидаги жуда ажо-йиб хоссаларга эга бўлган кўз гавҳари жойлашган. Кўз гавҳари уни ёй пардада тутиб турадиган мускуллар ёрдамида ўз шаклинни ўзгартириш, гоҳ қабариқ, гоҳ ясси шаклга кириш қобилиятига эга бўлади. Яқинда турган нарсаларни кўришда гавҳар анча бўртади, узоқда турган предметларга қараганда эса гавҳар яссироқ бўлиб қолади. Кўзнинг ана шу иккинчи ажойиб хусусияти, яъни яқиндан ҳам, узоқдан ҳам аниқ-равshan кўра билиш қобилияти аккомодация дейилади.

Лекин кўзнинг энг муҳим нурларни қабул қиласидаги қисми хира склеранинг ички қисмидаги жойлашган тўр пардадир. Тўр парда иккى хил шаклдаги — таёқчалар ва колбачалар шаклидаги жуда беҳисоб нерв толаларидан иборат. Ана шу тузилмалар туфайли инсон гиравширада ҳам кўра олади, хилма-хил рангларини ажратади.

Хўш, инсон қандай қилиб кўради? Нормал кўриш деганда нимани тушунмоқ керак? Яқиндан кўриш нима? Узоқдан кўриш нима?

Биз нарсаларни мана бундай қўрамиз. Предметлардан қайтган, мугуз пардада, кўз гавҳаридаги шишасимон ташада синган нурлар кўз тўр пардасига тушиб, юқорида айтилган таёқча ва колбачаларни таъсиirlайди. Қўзғалиш ана шу тузилмалардан нерв толалари орқали миянинг орқа қисмларига, кўришин бошқариб турадиган марказларга узатилади. Биз кўраётган нарсаларнинг образлари кўзда шу тарзда гавдаланади (6-расм).

Кўзнинг ўткирлиги аниқланадиган жадвалларни сен билсанг керак, бундай жадвалларда ҳарфлар (ёки ҳалқалар) ҳар хил катталикда ва шаклда қатор жойлаштирилган. Агар одамнинг кўзи нормал (кўзнинг ўткирлиги 1 га teng) бўлса, у ҳолда бу одам охирги ва ундан олдинги қаторлардаги ҳарфларни 5 метр масофадан туриб аниқ кўра олади. Яқиндан кўриш даражасига қараб, кўзнинг ўткирлиги пасаяди, энди киши жадвалдаги майдаги ҳарфларни 5 метр масофадан туриб кўра олмайди. Яқиндан кўрадиган киши нима учун кўзи нормал кўрадиган одамдек яхши кўра олмайди?

Кўз муҳитининг нурларни спидприш қобилияти нормал бўлганда предметлардан қайтган нурлар тўр пардада кесишади, шу туфайли тасвири равshan кўринади. Яқиндан кўрадиган одамда кўз олмаси сал чўзинчоқ бўлганлиги сабабли кўзнинг нурларни синдириш қобилияти бирмунча ортиқ бўлади, шунинг учун нурлар тўр пардага етиб бормасданоқ кесишади. Бунинг оқибатида узоқда турган нарсаларнинг тасвири тўр пардада аниқ ҳосил бўлмайди. Айни вақтда одамнинг яқиндан кўриш даражаси унча кучли бўлмаса, у яқин масофадан туриб бемалол ёза ва ўқий олади, чунки яқиндан кесишади.

Схемада нурларнинг кесишиши схематик тарзда; а) нормал кўриш; б) яқиндан кўриш; в) узоқни кўришда кесишиши тасвиirlанган.

Яқиндан кўриш -- айниқса болалар ўртасида тез-тез учраб турадиган нуқсон. Балоғатга етган ҳар 10 -- 12 та ўсмир яқиндан кўради.

Мазкур оптика камчилликни йўқотиб бўлмайди, лекин кўзга мос кўзойннак тақиб, киши ўзининг кўриш қобилиятини яхшилаши мумкин. Кўзга қандай кўзойннак мос келишини эса факат врач аниқлаб бера олади.

Агар врач сенга кўзойннак тақишини тавсия этса, сира уялмасдан тақаверишинг керак. Кўпларга кўзойннак шубҳасиз ярашади. Гап ҳар бир киши ўзининг юз тузилишига узукка кўз қўйгандек ярашадиган кўзойннакни дид-фаросат билан топа билишида қолган, холос.

Баъзи болалар: модомиши, менда яқиндан кўриш нуқсони бор экан, энди кўзойннак тақишдан нима фойда? — деб ўйлайдилар. Бу мутлақо нотўғри, чунки уялиб ёхуд ҳафсаласизлик қилиб кўзойннак тақмаган болаларда бу нуқсон баттар ривожланиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди, чунки яқиндан кўриш ҳаддан зиёд авж олиб кетса, бу нарса турли касб-корларни, хусусан кўзининг ўткир бўлишини талаб қиласидиган ҳушарларни эгаллашга халақит беради.

Менга бу гапларнинг нима кераги бор? Ахир, менинг кўриш қобилияти жуда яхши-ку, дерсан балки.

Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, у ҳолда яқиндан кўрадиган бўлиб қолишнинг олдини олишга ҳарақат қалишинг керак. Одатда ҳамма оламлар, баъзи бирорларнигина истисно қилганда, узоқдан кўрадиган бўлиб туғиладилар. Бола ўсгани сайнин кўз олмаси асосан олл-орқа ўқининг чўзилиши ҳисобига катталашиб, узоқдан кўриш қобилияти маълум даражада сусаяди. Бола 6—7 ёшга кирганда кўз ўсишдан тўхтайди ва бу ёшдагиларнинг тахминан 30 процентада кўз нормал кўради. Бироқ айрим болаларнинг кўзи 6—7 ёшдан кейин ҳам олл-орқа йўналишида ўсишида давом этади (бунга кўпинча ноқулай шарт-шароитлар ҳам сабаб бўлади), бу эса яқиндан кўришнинг ривожланишига олиб келади.

Иш найтида майдага кўп тикилиш ва аксари бошни қўйи солиб ишилаш оқибатида кўзига зўр келадиган кишилар (масалан, соатсозлар, тикувчилар) нинг яқиндан кўрадиган бўлиб қолиши врачларга кўпдан маълум. Бундай ишила кўз мускулларига ниҳоятда зўр келади, боини қўйи солиб ўтирганда эса кўзга келадиган қон оқими кучаяди. Ани шулашиниг ҳаммаси кўз олмаснинг чўзилишига сабаб бўлади. Демак, бундан чиқадиган биринчи хулоса шуки, бошингни энгаштириб ўтирма, «бурнинг билан бўзма». Китоб билан кўзинги орасидаги масофа 35—40 сантиметрдан кам бўлмаслиги керак.

Хона етарлича ёрнилмаган бўлса, кўзга жуда зўр келади ва кўз дарров чарчаб қолади. Столга қўйиладиган лампанинг 60—70 ватт қувватли ёруғлиги ўқиш-ёзиш учун энг қулаӣ ҳисобланади. Иккинчи хулоса — қоронфида дарс тайёрлама.

Автобус ва троллейбусларда китоб ўқиб кетаётган болаларни кўп учратамиз. Бундай қилиш ҳам ярамайди.

Ҳарфларни аниқ-равшан кўриш учун кўз ўз мускулларининг тарағлигини, гавҳарининг шаклини ўзгартириш йўли билан мослаши-

ши керак. Транспорт юриб кетаётган иайтда силкиниш туфайлии китоб қўлниизда лицилаб туради, ўқиётган нарсамиз ва қўзимиз орасидаги масофа гоҳ узаяди, гоҳ қисқаради. Бунинг оқибатида эса бевосита мускул ва гавҳарга инҳоятда зўр келади — кўз тезда чарчаб қолади. Бундан чиқадиган холоса равшан: транспортда ўқиимаслик керак.

Сен телевидение кўрсатувларини жуда яхши кўрсанг керак, албатта. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Телевидение орқали жуда кўп қизиқ ва фойдали нарсаларни билди олишиниг мумкин. Лекин баъзан телевизордан оқилона фойдалана билмаслик орқасида киши ўзига жабр қилиши мумкин. Масалан, телевидение кўрсатувларини ҳар куни ёки бир неча кўрсатувни кетма-кет томоша қилиш ярамайди. Мактабда ўтказиладиган машгулотларда ва ўйда дарс тайёрлаётганингда сенинг кўзининг жуда толиқади, шунинг учун ҳафтанинг ўртасидаги кунларда телевидение кўрсатувларини умуман томоша қилмаганинг маъқул. Яхшиси, телевизорни шанба ва якшанба кунлари кўргин. Лекин шунда ҳам телевизор олдида 2 соатдан ортиқ ўтираслик керак. Телевизор экранидаги тасвири қанчалик аниқ бўлса, кўз шунчалик кам толиқади. Телевизорни 2,5—3 метр масофадан кўриш лозим.

Кўзни гавҳардек асраш зарур. Бунинг учун бевосита кўзни тикиб бажариладиган ишларни актив дам олиш билан бирга оқилона олиб борниш, гимнастика ва спорт билан шуғулланиш, сайд-саёҳат қилиб туриш, тўғри овқатланиш жуда муҳим. Кўзнинг нормал фаолияти учун витамин А жуда муҳим роль ўйнайди. Витамин А сариёг, сут, балиқ мойни ҳамда сабзида кўп бўлади.

ХАР НАРСАНИНГ ЎЗ ВАҚТИ БОР

Ҳаётингнинг сермазмун бўлиши ва кўп нарсанни билди, кўп нарсанни ўрганиб олишинг учун вақтнинг тўғри тақсимлай билишинг, ўзингга тўғри кун тартиби тузиб чиқишинг керак, бу нарса соглифинг учун ҳам зарур. Ахир сен мактабда ўқийсан: уйга келгач дарс тайёрлашга, бир оз ўйнаб, у-бу нарсанни мутолаа қилишга, уй-рўзгор ишларида ойингга қарашишга улгурининг керак. Бу ишларни аҳён-аҳёнда эмас, ҳар куни маълум бир вақтда бажаришга вақт топишинг лозим. Ҳар бир қизининг уйда ўзига яраша қиласидан ишлари бўлади. Хўш, ҳамма нарсага қандай қилиб улгурса бўлади? Сен буни биласан. Мактаб остонасига биринчи бор қадам қўйганингдаёқ ўқитувчинг сенга буни айтган — ҳар бир қиз ўзига аниқ кун тартибини тузиб олиши керак. Одамлар қизиқ бир нарсанни пайқашган: агар ўқувчи зилмасида вазифалар кўп бўлса (масалан, ўрта мактабдан ташқари музика мактабида ўқиса, спорт секцияси машгулотларига қатнашса), у ҳаммасига вақт тонади, ҳатто қўшнимча нагруззаси бўлмаган болалардан ҳам яхши улгуради. Бунинг боиси нимада? Сабабн шундаки, бола вақтини бекорга исероф қилмайди, балки бенхтиёр аниқ тақсимлашга мажбур бўлади. Кун тартибини обдан пухта ўйлаш ва уни тузишда дарс тайёрлаш, ўйнаш, уй ишларига қарашиш, дам олиш ва ухлашга кетадиган вақтини ҳисобга олиш керак. Бунинг учун эса сен тенгн қизларининг қанча ухлаши, дам олиши ва очиқ ҳавода қанча вақт бўлиши зарурлигини билишинг шарт.

Мен сенга ҳар бир кунингни яхши ташкил қилиш юзасидан маслаҳат бермоқчимаи. Гарчи уй вазифалари кўп берилган бўлса-да, мактабдан қайтгач камида 2—1,5 соат дам олиш керак. Дам олиш эса ўзинг учун мўлжалланган машғулотларни унумли ва тез бажаришинг учун зарур. Дам олиш вақтида сен овқатланиб олишинг, ўйнаб келишинг ёки рўзгор юмушларига қарашининг мумкин (7-расм). Лекин бу вақтини ҳар ҳолда очиқ ҳавода ўтказганинг маъқул, чунки шунда сен яхшироқ дам оласан. Дарс тайёрлашга ҳеч қачон соат 16 дан кеч киришма. Дарс тайёрлашни кечқурунга қолдирма, чунки куннинг иккинчи ярмини иш қобилиятини пасайиб кетади.

Иккинчи сменада ўқийдиган ўсмир қизларининг кун тартиби эса бошқача бўлади. Мактабга соат 14—14.30 да борилса-да, барои бир эрталаб соат 7 да туришингиз керак. Мактабга боришга ҳали эрта, мазза қилиб ухлаб олай, деб эрталаб соат 10 гача ўринда ётманг. Эрталаб кеч турсангиз ҳақиқатан ҳам ҳеч нима қилишга улгурмайсиз. Иккинчи сменада ўқийдиган кўпчилик болалар спорт секцияларини ташлаб кетадилар. Улардан: «Нега бундай қилдинг?» деб сўралганда,

Ўзларининг спортга бўлган ҳафсаласизликларини вақт етишмаслиги билан оқлайлilar. Агар шу болалар вақтларини тўғри тақсимласалар спорт секцияларида ҳам шуғулланишлари мумкин, чунки бундай ташкилотларда машғулотлар кечқурунлари ҳам, эрталабки соатларда ҳам ўтказилади. Мактабдаги дарс жадвалига қараб спорт машғулотларни билан қачон шуғулланишингни ҳам белгилаб ол. Эрталаб соат 7 да ўрниигдан тургин-да, дастлаб зарядка қил, сўнгра душга туш, кейин нонушта қилиб, соат 8—8.30 да дарс тайёрлашга ўтири. Соат 11,30—12 ларга бориб ҳамма дарсларингни тайёрлаб бўласан (дарс қилиш вақтида ҳар 45 минутда 5—10 минутлик танаффус қилишини ёдингдан чиқарма). Мактабга кетиши олдидан бир пас ўйнаб кел, онанг айтган шиларни бажар, сўнг овқатланниб, мактабингга борасан. Иккинчи сменада машғулотлар соат 19—20 ларда тугайди. Ҳали ухлашингга 3 соат бор. Бу вақт ичидаги талайгина ишлар қилишга улгуришинг мумкин — кўчага чиқиб, ўйнаб келасан, севганинг машғулотинг билан шуғулланасан, бирор нарса ўқийсан ва ҳоказо,

Дарсни доим бир вақтда тайёрлаш керак. Олимларнинг текширилари шуни кўрсатадики, кўпчилик мактаб ўқувчилари дарсликни ўқишга киришганларида ўзлаштириш аввалига қийин бўлади, бу ишга «киришиб кетиши» учун эса маълум вақт талаб қилинади. Қайси бола ҳар куни айни бир вақтда дарс тайёрлашга одатланган бўлса, унда ана шу «киришиб кетиши» муддати шунчалик қисқа бўлар экан. Дарс қилинадиган шароит ҳам, ҳатто стол ҳам ҳар куни бир хил бўлгани маъқул. Маълумки, айни бир шарт-шароит, айни бир муҳит бўлиши кишининг ишга «киришиб кетиши»га ёрдам беради. Айниқса имтиҳонларга тайёрланиш вақтида буни ҳисобга олиш лозим.

Стол устида машғулотдан диққатни ҷалтилаган ортиқча нарса бўлмаслиги керак. Дарс тайёрлайдиган хоналигидан яхши ёритилган бўлиши даркор. Бу фақат кўзинг учун зарур бўлиб қолмай, балки иш қобилияtingни ҳам оширади, унча чарчамайсан. Кундузги ёруғлиқда дарс тайёрлаганга нима етсин.

Сунъий равишда ёритилган хонада дарс тайёрлагандага сут рангли лампочкалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки улар ялтирамайди ва кўзни қамаштирумайди. Фақат иш жойинигина эмас, бутун хона ҳам яхши ёритилиши керак.

Кузатишлардан маълум бўлишича, аввал ёзма дарсларни, кейин эса оғзаки дарсларни тайёрлаш зарур экан. Ҳар доим аввал қийин дарсларни тайёрлаб олиш керак. Даре тайёрланадиган хона тинч, осоипшта бўлиши лозим. Шовқин-сурон одамни тез толиқтиради, нерв системасини ишдан чиқаради ҳамда меҳнат қобилиятини пасайтиради.


Дарс тайёрлаш найтида танаффус қилиб турилади. Танаффус қилиш нималигини билмайдиган болалар фақат вақтдан ютқазадилар, чунки дарс тайёрлаш охирлаб қолганда боланинг идрок қилиш қобилияти пасайиб кетади, чунки у айни бир нарсани тушуниб олмай так-





1-pacm.




2-pdcm.



3-pacm.




1




2



5




6





9

4-pacm.




10




3.

4.




7.

8.






11



12



5-pacm.



6·расм.



7-p.m.



8-PACM.

рор-такрор ўқийверади, ёзганда эса күп хато қилади, бола-қайта-қайта күчириб ёзишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам, худди мактабдагига ўхшаб, 45—50 минутдан шуғулланиш, сўнгра 10 минут дам олиб, яна ларсга ўтириш зарур. Бундай танаффуслар вақтида хонани шамоллатиб, эрталабки гимнастика машқларидан бир нечтасини бажариш жуда фойдали.

Машҳур рус физиологи И. М. Сеченов энг яхши ҳордиқ—фақат дам олиб ётиш эмас, балки актив дам олиш, яъни фаолиятни бошқа бир фаолият билан алмаштириш эканини аниқлаган эди. Киши ақлий меҳнат билан шуғулланганда бош мия пўстлоги нерв ҳужайраларининг баъзи группаларида қўзғалиш процесси содир бўлади, айни шу пайтда эса бошқа ҳужайралар тормозланиш ҳолатида бўлади, улар дам элади. Иш тури алмаштирилганда (ақлий меҳнат, жисмоний иш, гимнастика машғулотлари билан) олдин дам олган ҳужайраларда қўзғалиш, ишлаган ҳужайраларда эса тормозланиш процесси содир бўлади, бу пайтда ҳужайралар дам олиб, иш қобилиятини тиклаб олади.

Тунги дам олишнинг организмга таъсири бекнёс. Фақат мириқиб ва тинч ухлаган одамгина жуда яхши дам олади. Олимлар уйқу пайтида инсон организмидаги рўй берадиган жарабёпларни ўрганиб, уйқу организмнинг ўйгоқлик пайтида сарфлаган куч-куватни ўринни тўлдиради, деган холосага келадилар. Шунинг учун ҳам тинч ва тўйиб ухлаган киши эрталаб ўзини тетик сезади. Сенинг ёшинингдагилар (13—15 яшар қизлар) 8,5—9 соат ухлашлари керак. Тўйиб ухлаш фақат соглиқ учун эмас, ўқиш учун ҳам зарур. И. В. Антропова деган врач жуда қизиқ бир тажриба ўтказган. Нормадагидан 1,5—2 соат кам ухлаган олтинчи синф болалари эртаси куни ўтказилган контролъ ишда нормал ухлаган болаларга қарагандаги 4 дан 9 тагача кўп хатога йўл қўйгандар. Шуни ҳам ёдингдан чиқармаганини, сен яхшилаб шамоллатилган хонада ухлаганингдагина мириқиб ухлайсан. Ёзда, агар имкони бўлса, деразани очиб ухлаш керак. Кам ухлаш саломатликка коши зарар. Одам кам ухласа тез чарчайди, боши оғрийди, ўзини ланж сезади.

Кечаси яхшиси читдан тикилган енгил, кенг ички кўйлак кийиб ётган маъқул. Шунг томонига сибошлаб, қулай вазиятда ухлаш керак. Баланд ёстиқда ва кўриага буркалиб ухлаш зарарли. Тезда уйқуга кетиш учун ҳар куни бир вақтда ётишга одатланиш керак.

Кўриб турибсанки, режим ҳар бир киши ҳаётидаги мухим роль ўйнайди.

Хусусан имтиҳонлар пайтида режимга эмал қилиши жуда муҳим. Кўп тенгдошларинг имтиҳон пайтида танаффус нималигини билмай, бир неча соатлаб дарс тайёрлашади. Бироқ одатда бундай қизлар тез чарчаб, ўқиган нарсаларини ўзлаштиришга қийиналишади. Ҳар қайси имтиҳонга тайёрланиш учун берилган вақтни шундай тақсимлашинг лозимки, ҳар куни ухлаш олдидан кам деганда 1,5—2 соат дам олгин (яхшиси, ўйшаб кел).

Ухлаш ёки ўйшаб келиш ҳисобига кўп дарс тайёрлай-



олиш мақсадға мұвоғиқ. Бунда бир оз ётиб дам олиш (хатто ухлаб олиш), бирор нарса ўқиши, биңінб-тиқици, түқиши мүмкін.

Үкүв йишли давомида сизлар дарслар билан бўлиб, кинога аҳён-аҳён-да боргансиз, китоб ўқишига ҳар доим ҳам вақтингиз бўлавермаган. Аммо каникулда бунинг ўринин дарҳол тўлғазишига ҳаракат қылманг. Баъзи болалар каникул пайтида биронта ҳам кинофильмни «ўтказиб юбормаслик»ка ҳаракат қиласидилар, бунинг устига уззукун телевизор ёнидан жиҳлмайдилар, айримлари эса диққинафас уйда ўтироволиб китоб мутолаа қилиб, ўзларича дам олган бўладилар. «Ия, ҳамма деразалар ланг очиқ-ку, нега бундай хонани диққинафас дейсиз?» — деб эътиroz билдиришади баъзи бирвлар. Аммо хонани ҳар қанча шамоллатганингиз билан у очиқ ҳавога чўқиб, бир айланиб келишининг ўрнига ўтмайди. Ўй ҳавосида доим чанг кўп, кислород кам бўлади, организм учун ғоят зарур бўлған ультрабинафша нурлар эса мутлақо йўқ. Каникул кунларда кўпроқ вақтингизни иложи борича очиқ ҳавода ўтказишига ҳаракат қилинг, ҳаракат билан бажариладиган ўйниларни ўйнанг, спорт билан шуғулланинг.

Шаҳарда қоладиган қизлар: — Биз қандай дам олишимиз керак? — деб қолишилар мүмкін.

Шаҳарларда қатъий кун тартибиға амал қиласидиган шаҳар пионер лагерлари ташкил этилади. Бу кун тартибида сайдлар, шаҳар ташқарисига қилинадиган походлар, спорт машгулотлари ва бошқалар назарда тутилади. Бу тадбирларни амалга ошириш асносида ҳам яхши дам олиш ва вақтни қизнәрли ўтказиш мүмкін.

Агар бундай дам олиш имконига эга бўлмасанг, мен сенга ота-она-ларинг ва дўстларинг билан бирга сафар қилишига маслаҳат берардим. Қаерга боришинги зини маслаҳатлашиб олиб, сафарга отланинг. Лекин шунн унутмаслик керакки, узоқ сафарга тайёрликсиз жўнаб бўлмайди. Акс ҳолда оғирлик қиласиди. Бутун йил давомида тўғри режимга амал қилиш ҳамда спорт машгулотлари билан шуғулланиш узоқ сафарга тайёрланишининг энг яхши йўлидир. Шу сабабли, ишни унча катта бўлмаган масофаларга бир ёки икки кунлик сафар уюштиришдан бошлаш керак. Бир кунлик сафар уюштирилганда қизларга (7—8 синф ўқувчиларига) кун давомида ҳаммаси бўлиб 16 километрдан ортиқ йўл босмаслик ва соатига 3—4 километрдан зиёд тезликда юрмаслик тавсия қилинади. Рюкзакка фақат энг зарур нарсаларни солиш керак ва унинг оғирлигига 3—4 килограммдан ошмасин.

Ёзда походга яхшишн эрталаб соат 6—7 ларда отланиш керак, шунда соат 9—10 ларга бориб дам олиш учун тўхташ мүмкін. Дастрлаб 15—20 минут юрилгандан сўнг тўхташ лозим. Бунда ортиқча кийим-бош ечиб олинади, рюкзакни тўғрилаб, тасма тортиб қўйилади ва ҳоказо. Шундан кейин ҳар соатда бир марта 10—15 минутдан дам олинади. Дам олиш пайтида ҳаракат қиласлик ва ҳаракатчан ўйнилар ўйнамаслик, яхиси, оёқни баландроқ қўйиб ётиш керак.

Шуни асло унутмангки, маршрут давомида, айниқса кун иссиқ пайтларда зинҳор сув ичманг. Агар оғзингиз қуриб қолаверса, сув билан

оғзингизни чайинг. Поход пайтида фақат уч марта; походда чиқишидан бир соат олдин, узоқроқ дам оладиган пайтда ҳамда тунашдан олдин сув ичишга рухсат этилади. Йүлда дүч келгап ариқ, құдуқ сувидан ичманг, чунки сиз бундай сув тозами, ійікми, билмайсиз.

Кайфиятингиз кийимингизнинг қулай-ноқулайларында ҳам күн жиҳатдан боғлиқ. Агар пойабзал қулай бўлиб, бадаи қизиб кетмаса, одам енгилгина юради ва ҳузур қиласди. Походга машқ қоплиниадиган кийимда чиққан маъқул: кўйлакнинг енги калта бўлсан. Офтобдан бадаи ҳали қораймаган дастлабки кунларда тери куймаслиги учун бадани очиқ қолдирмаслик керак. Алмаштириб туриш учун пайпоқ олишининг зарур (книйиб олган пайногингиздан ташқари). Бошни қизиб кетишдан ёки офтоб уришидан сақлаш учун панама кийиш, ё бўлмаса бошга рўмол тангиб олиш керак. Такрор айтаманки, айниқса оёқ кийимига эътибор беринг: пойабзал янги бўлмаслиги (анча кийилган бўлиши), пошнаси наст бўлиши зарур. Яхиси, жун пайпоқ кийинг, чунки у терни ўзига осон сингдиради. Яланг оёққа ботинка кия кўрманг, роса азобда қола-

ҚАНДАЙ ОВҚАТЛАНИШ КЕРАК

Тұрмушимиз, ўқишимиз ва меңнат қилишимизда ейдиган озиқ-овқат-ларимизнің ролі катта.

Терн, соч, организмдаги органлар ва системалар фаолияти күп жи-хатдан тұғри овқатланишга болғық, тұғри овқатланиш деганда шуни тушуниш керәккі, ейдиган овқатларимиз таркибіда ҳужайраларнинг нормал фаолияти учун зарур барча моддалар маълум миқдорда бўлиши шарт. Турли ёшдаги, ҳар хил касбдаги ва турли иқлим шароитида яшайдиган одамларга таркибіда турли миқдорда оқсиллар, ёглар углеводлар, витаминлар, витаминлар тутган овқат зарур бўлади.

Кишининг бутун ҳаёти, унинг ривожлапши ва ўсиши, жисемоний ва ақлий фаолияти организмде муттасил рўй беріб турадиган ва жуда күп миқдорда энергия талаб қыладиган моддалар алмашинувига болғық. Ана шу энергияни ҳамда ҳужайралар учун зарур бўлган «қурилиш материали» ни овқат беради. Шунинг учун ҳам овқат ҳар қандай тирик организм ҳаётининг асосий манбаидир.

Оқсил ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Барча тўқима ва аъзолар оқсилдан таркиб топган. Ёглар ва углеводлар энергия, яъни куч-қувват бе-рувчи материал ҳисобланади. Организм оқсил, ёғ ва углеводлардан ташқари минерал тузларга ва витаминларга ҳам муҳтож бўлади. Мине-рал тузлар таркибіда организм учун жуда зарур бўлган микроэлемент-лар бор, улар тўқима ҳужайралари таркибига киради. Шунингдек, одам-нинг сувсиз яшаши ҳам асло мумкин эмас.

Организмнинг нормал фаолияти учун бу моддалар овқатда тегишли нисбатда бўлиши зарурлигини олимлар аллақачон аниқлашган. Авжি ўсиб келаётган организмнинг эҳтиёжини қондириш учун ҳар куни ейн-ладиган овқат таркибіда 100—114 грамм оқсил, 95—110 грамм ёғ ва 400—450 грамм углевод бўлиши керак. Агар бу нисбат ўзгарса, модда-лар алмашинуви бузилади, бу эса организмга салбий таъсир кўрса-тади.

Энди сенинг ёшингдаги қизларининг қандай овқатланиши кераклиги хусусида икки оғиз сўз.

Ҳайвоң маҳсулотларида бўладиган оқсил сизлар учун жуда зарур. Бундай оқсил гўштда ва сут маҳсулотларида кўп бўлади. Шунинг учун ҳар куни ейдиган овқатингизда гўшт (ёки балиқ), ҳар хил сут маҳсулотлари албатта бўлсин. Шу билан бирга гўшт, жигар, сут маҳсулотлари ва тухумда айниқса сенинг ёшингдагилар учун гоят фойдали бўлган витаминлар В₂ ва РР, В₁₂ ҳам бор. Қўзининг ўтқир бўлиши учун вита-мин А қанчалик зарур бўлса, витамин В₂ ҳам шунчалик керакдир. Орга-низмнинг ўсиши учун витамин В₂ нинг роли жуда катта. Организмда

витамин ЩР етишмаганда нерв системасы фаолияти бузилади, теріда үзгаришлар пайдо бўлади.

Сутдан олинадиган ҳар хил ёғлар (масалан, сариёғ) сиз тенги қизлар учун энг фойдали маҳсулотлардан ҳисобланади. Лекин ўсимлик мойидан ҳам қайтмаслик керак. Умуман ҳар суткада истеъмол қилинадиган ёгнинг 25—30 граммининг ўсимлик мойи ташкил этса чакки бўлмайди. Ёлгарда, соғ «ёғ» нинг ўзидан ташқари, терн ва кўзининг нормал фаолияти учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган витамин А бор. Агар ёғ кам ейиладиган бўлса, терн касаллиги пайдо бўлади, кўриш қобилияти насая боради, айрим оғир ҳолларда эса киши шабкўрлик касаллиги га йўлиқиши мумкин. Шабкўрликка йўлиққан одам гира-шира пайтда ҳам ҳеч нарсанги кўрмайдиган, кўрса ҳам фарқлай олмайдиган бўлиб қолади. Витамин А сарнёғ ва сут маҳсулотларидан ташқари, тухум сарнигида, дengиз балиқлари ва ҳайвонлар жигарининг ёғида ҳам кўп бўлади. Киши ўзининг витамин А га бўлган эҳтиёжини ҳайвонлар ёғи ҳисобигагина эмас, балки мева ва сабзавотларда бўладиган каротин ҳисобига ҳам қондиради. Каротин моддаси организмда витамин А га айланади. Сабзи, пишган помидор, шафтоли, ўрник, исмалоқ каби ноз-неъматларда витамин А айниқса сероб.

Нон, хамир овқатлар, қанд, картошка каби ўсимлик маҳсулотлари углеводларнинг энг асосий манбаидир.

Витаминлар В₁, В₆ ва С нинг ҳам аҳамияти жуда катта. Витамин В₁ ва В₆ нерв системасининг нормал фаолияти учун зарур; витамин С эса организмнинг ҳимоя кучларини оширади, цинга деган хавфли касалликнинг олдини олади.

Витаминлар В₁ ва В₆ пиво ачитқиси ва хамиртурушда, гречиха ва сули унида, исмалоқда бўлади. Витамин С кўғиниа ўсимлик маҳсулотларида бор, айниқса бу витамин наъматак ва қора смородина мевасида кўп бўлади. Ейдиган овқатларимиз таркибида витаминлар миқдори кескин камайиб кетадиган кўклам пайтларида дорихоналарда сотиладиган наъматак настойкаси (ёки экстракти), ҳар хил ачитқилар ва поливитаминлардан истеъмол қилиб турни керак.

Кўриб турибисизки, сизлар ейдиган овқат ниҳоятда хилма-хил бўлиши керак (8-расм). Ана шу нормаларга қатъни риоя қилинган тақдирдағина организм ўз фаолияти учун зарур бўлган барча моддаларни олади.

Лекин бу ҳам етарли эмас. Таом яхши ҳазм бўлиши ва киши доимо пштаҳа билан овқатга қўй чўзиши учун ҳамиша маълум бир вақтда овқатланишга одатланиши керак, ейдиган овқатининг миқдори ҳам иложи борича ўзгармагани маъқул. Сизлар бир кунда камида тўрт маҳал овқатланишингиз зарур; нонушта (мактабга кетишдан олдин), иккинчи нонушта (мактабда), тушлик (мактабдан келгач) ва кечки овқат. Суткалиқ овқат рационини тақсимлашда «Нонуштани ўзининг егин, тушликни дўстларини билан баҳам кўр, кечки овқатни эса душманнингга бер» деган доно халқ мақолига амал қилган маъқул. Бунинг маъноси шуки, кечқурӯн ейиладиган овқат суткалик овқатининг 15—20 процентини таш-

жүйл этінші керак, баъзи болалар әса, ақсияга олиб, ётиш олдидан әртәлабдағидан ҳам күп овқат ейдилар. Мәктабда албатта иессиқ овқат, жуда бўлмаганды бутерброд еб, иессиқ чой ичиш керак. «Қуруқ» овқатнинг ўзидан фойда нўйқ. Пешинда ойинг шўрва қылган бўлса, албатта ич. Шўрвада овқатнинг тўғри ҳазм бўлишига ва яхши сингишига ёрдам берадиган талайгинна foят фойдали экстрактив моддалар бўлади.

Овқатнинг парчаланиши мураккаб жараён бўлиб, бу жараён оғиздан бошланади: овқат аввал оғизда майдаланади, унга сўлак ўз таъсирини кўрсатади. Меъда ва ичакларнинг шиллиқ қаватлари овқат ҳазм қилиувчи шира ишлаб чиқаради. Ана шу шира овқатни сўнгги маҳсулотларигача парчалаб, қонга сўрилади ҳамда турли тўқималар ҳужайраларига тарқалади. Агар ҳазм шираси етарли миқдорда ажралиб турса ва шира таркиби нормал даражада бўлса, у қолда овқат бутунлай парчаланади. Яхши иштаҳа овқат ҳазм қилиш системасининг жуда яхши, нормал ишлаётганлигидан далолат беради. Яхши иштаҳа овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятида катта аҳамиятга эга. Агар соғлом киши ҳамиша муайян бир вақтда овқатланса, таомни шошилмай, обдон чайнаб еса, одатда бундай одамнинг иштаҳаси яхши бўлади. Овқатланиш пайтида китоб ўқимаслик, дарс тайёрламаслик керак. Чунки бу нарса овқатнинг ҳазм бўлишига ёмон таъсир қиласди: овқат ҳазм қилиш нўли шиллиқ қаватининг шира ажратиш фаолияти тормозланиб, шира кам ажралади. Натижада ҳазм қилиш каналида овқат одатдагидан узоқроқ тўхталиб қолиб, білжерӣ бошлайди. Бу әса ичаклар шиллиқ қаватини таъсирлаб, яллиглантіради.

Улуг рус физиолог олими Иван Петрович Павловнинг: «овқатга ҳаддан зиёд ружу қилиш керак эмас, лекин унга тегишлича эътибор бериш зарур», деган сўзларини доим ёдингизда тутинг.

Ҳар бир кишининг овқат сяётгандага ўзини қандай тутишига қараб унинг маданийти ҳақида ҳукм чиқариш мумкин. Шунинг учун бу хусусда ҳам иккى оғиз сўзлашга тўғри келади.

Овқатланиш пайтида тиранакни столга тираб ўтириш, таомни чапиллатиб чайнаш, тишни ковлаш одобдан эмас. Батартиб овқатланишга одатлан. Овқатни сачратма, нонни синдириб оғзингга солма, балки тишлаб егин. Овқатни оғзингни юміб чайна, то уни ютиб бўлмагунингча бирор билан гаплашма.

ПОКЛИГИНГ—СОФЛИФИНГ

Әйди сен тенги қызларнинг шахсий гигиенаси хусусида ғашлашамиз. Эрталабки гимнастика машқларини бажаргач, юванишга ўтар экансиз, тишиңгизни тозалашни ҳам асло унутманг. Тиш кишига ҳусн баҳш этишдан ташқари, саломатликини сақлашини ҳам сиз биласиз. Агар кишининг бир нечта тиши бўлмаса, сўзларни аниқ талафуз қила олмаслиги, юз тузилиши ўзгариши мумкин, тиш оғриги эса пақ жонининг азоби. Ҳатто тиш оғриги оғир касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

Тиш ҳамма вақт соғлом ва чиройли бўлиши учун уни муттасил парвариш қилиш, сал безовта қилгудай бўлса, албатта врачга бориши даркор. Тишини парварини қилиш жуда осон. Тишини тозалаб, оғизни чайишдан мақсад овқат қолдиқларини оғиздан чиқариб ташлашдир. Акс ҳолда овқат қолдиқларни оғиз бўшлигига жуда кўн миқдорда бўладиган микроблар учун озиқали муҳит бўлиб қолади.

Олимларнинг аниқлашича, агар тиш яхшилаб парвариш қилинмаса, 1 миллиграмм «тиш караши» да тўпландиган микроблар сони 800 миллионтага етар, агар тиши тўғри парвариш қилинса, микроблар 5—7 миллиондан ошмас экан. Агар тиши тозалаб турлиласа, тиши орасида қолиб кетган овқат қолдиги ана шу микроблар таъсирида иарчаланиб, тишга зарар етказадиган моддалар ҳосил бўлади, оғиздан бадбўй ҳид келади. Тишида «тош» пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бу «тош» қорамтири рангда бўлиб, овқат қолдиқлари, сўлакдан ажраладиган минерал тузлар ва микробларнинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади.

Ҳар гал овқатланиб бўлгандан сўнг оғизни чайни керак. Тишини порошок ёки наста билан ҳар куни бир марта, яхшини кечқурун ётни олдидаи тозаланса, тиши орасида қолиб кетган овқат қолдиқлари чиқиб кетади ва бу билан оғизда микроблар кўпаймайди. Эрталаб оғизни яхшилаб чайиш кифоя, агар тишида «кир» бўлса, порошок ва настасиз, тиши чўтканинг ўзи билан тозалаш лозим. Тиш чўтка жуда қаттиқ ва қалин бўлмаслиги керак, чунки бундай чўтка қилиларнинг тиш орасига кириши қийин бўлади. Тишини яхшиси «Особий» порошоги билан тозалаш керак, чунки бу порошокда йиринкроқ бўр зарралари, ичимлик сода ва куйдирилган магнезий бўлиб, улар тиш карашини тезроқ кетказади. Врачларнинг кузатишлари шунн кўрсатадики, бу порошодан фойдаланганда тиш яхши тозаланишидан ташқари, микроблардан чиқадиган ва эмалга (эмаль — тишимизни қонлаган силлиқ оқ модда) катта зиён етказадиган кислотали моддаларни зараренз ҳолга келтиради.

Тишини фақат ташқи томондан эмас, ички томондан ҳам тозалаш керак. Овқат қолдиқларини кетказиш учун чўткани тиши қатори бўйлаб

фақат ёнламасыга әмас, балки тишини-тишга қўйған ҳолда юқоридан настга ва пастдан юқорига қараб ҳам юргизинг.

Тиш чўткани тоза тутиш керак, акс ҳолда у оғиз бўшлифининг за-харланишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Тишин тозалаб бўлгандан кейин чўткани яхшилаб ювиш ва қури-тиш, сўнг тукли томонини юқорига қаратган ҳолда стаканга солиб қўйиш лозим. Чўткани гилофда сақламаслик керак, чунки чўтка то қуригунга қадар унда микроблар кўпайиб кетади. Узоқ масофаларга боргандан, походларга чиққандагина гилофдан фойдаланиш мумкин. Қаттиқ овқатларни (айниқса янги сабзавот ва меваларии) чайиаб еганда тиш яхши тозаланади. Бундай таомларни чайнаганда тиш караши кетади, тишида тош йиғилишининг олди олиниади, милклар ўз-ўзидан мас-саж қилинади ва мустаҳкамланади. Шуни унутмаслик керакки, тиш эмали жуда қаттиқ бўлишига қарамасдан анча мўрт бўлади. Модоми-ки шундай экан, оқибатини ўйламай, қалам, ручкасини тишлаб ўтира-диган, тиши билан скрепка тўғрилайдиган, данак, ёнгоқ чақадиган қиз-лар ўзларига қанчалик жабр қилаётганликларини хәёлларига ҳам кел-тирмайдилар. Аслто бушлай қиласлик керак, акс ҳолда эмални ишдан чиқариш ёки умуман тишдан айрилиб қолиш ҳеч гап әмас. Эмалга ши-каст етдими — тамом, кейин тиш оғрифи бошланади.

Тишингиз ҳамиша соппа-соғ бўлишини истасангиз, овқатни ҳар ик-кала жағингизда чайнашга одатланинг. Агар ҳамма вакт бир жағда чайнасангиз бошқа жағда тош пайдо бўлиши учун қулай шароит туғи-лади. Тишингиз соғлом бўлишини хоҳласангиз, касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлган заҳоти врачга боринг. Кейинги йилларда врачлар касалликларнинг олдини олиш мақсадидан мактабларда ўқув-чилар тишини текширувдан ўтказмоқдалар. Тишингизни кўрсатишдан қочманг. Агар врач тишингла касаллик борлигини аниқласа, у сенга вақтида ёрдам кўрсатиб, сени кейинчалик тиш оғрифи азобидан қутқа-ради, холос.

Тишингизни эҳтиёт қилинг. Тиш ҳуснингизга ҳусн қўшади, саломат-лигингизни сақлайди.

Топ-тоза қўл катта аҳамиятга эга бўлишидан ташқари, қўзга чирой-ли кўринади ҳам. Қўли ифлос, тирноғининг остида кир тўпланиб қол-ган оламларни кўрганда кишипнинг кўнгли айнийди. Ифлос қўл хунук кўришишидан ташқари, кўпгина оғир касалликларининг келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин. Ҳатто «ифлос қўл» касалликлари деб атaluв-чи касалликлар бор, буларга лизентерия, ич терлама ва албатта, турли гижжа касалликларни киради. Шунинг учун ҳам қўлни ҳамиша тоза ту-тиш, тирноқларни ўз вақтида олиб туриш керак.

Қўл териси силлиқ ва юмшоқ бўлиши учун ювингандан кейин қўлни сочиқ билан яхшилаб қуригунча артиш керак. Агар шундай қилинмаса, қўлда қолган сув буғланиб, терини қуритиб юборади. Натижада тери қуруқшаб, қизарип, дагал бўлиб қолади, ҳатто ёрилиши мумкин. Қўлни айниқса қишида эҳтиёт қилиш керак, чунки совуқ қўлга ёмон таъсир кўрсатади. Ҳўл қўлқоп билан кўчада юрманг. Яхмалак отгани ёки чан-



Ги учгани борсанғиз үзига нам тортмайдыган (чарм ёки плаш тикиладын газламадан қилинганды) құлқоп кийіб олинг.

Баъзи қызларннің тирноқ миқки тез-тез қызарып, тирноқ атрофидаги тери тола-тола бўлиб юлилады. Уларға сал нарса тегса ачишиб оғрийди, баъзан ярачалар йириинглаши ҳам мумкін. Тирноқ миқки ё қўлиниң тез-тез ифлосланышдан ёки қўлини ювгаңдан кейин яхшилаб артмасликдан қызарини мумкін. Сиз уни асло юлиб ташламаңг, чунки унннг ўринда пайдо бўлган ярачага инфекция «никуришин» мумкін. Тирноқ миқкида эт ўсгаңда уларни авайлаб кесиб ташлаб, ўрнига бриллиант яшили ёки йод суртиб қўйинг.

Тоза ва дид билан олишган тирноқ қўлини чиройли кўрсатади. Баъзи қызларннің тишлапавериб, расвоси чиққан тирногини кўриб ачиасан киши. Тиш тегавериши натижасыда тирноқ кемтік, юмшоқ, мўрт бўлиб қолади.


Ҳа, баъзи кипилар тирногини кемириб ўтиришга одатлашган бўлади. Ташибаридан қараган одамга бу одат қанчалик хунук кўришишни, афуски, улар қўнинача хәслларига ҳам келтиришмайди. Бундай одамлар билан қўл бериб кўришгингиз ёки уларннің қўлдан бирор нарса олгининг келмайди. Агар сенинг ҳам шундай хунук одатннг бўлса, дарҳол ташла. Мабодо буниш учун проданг занфлик қиласа ва ана шу одатдан қутулиб кетишинга кўзининг стмаса, тирногиннгга 2—3 ҳафта давомида пластирь ёпишириб юр. Шундай қылғанишгда тирноқни тишлашуга имконннг бўлмайди ва бу ёмон одатннгни тарк этасан.

Оёқлар ҳам кун бўйи жуда кўп иш бајаради. Аммо оёқни парвариш қилишга аксари қызлар унча аҳамият беришмайди. Ҳолбуки, оёқннинг парваришга эҳтиёжи қўлникидан кам эмас. Аввало, оёқни ҳар куни ювиш керак. Буниш фойдаен катта, чунки оёқни совуқ сувда ювиш —

яхши чиниқтирадиган мүолажа. Хусусан салга шамоллаб, бот-бот түмөв бўлиб турадиган қизлар ҳар куни ётишдан олдин оёқларини илиқ сувда совуилаб ювиб, сўнгра сал совуқроқ (оёқ ювилаған сувдан кўра 2° совуқ) сувда чайсалар, бора-бора шамоллаш иммалигини билмайдиган бўлиб кетадилар. Бундан ташқари, оёқни ҳар куни ювганда кам терладиди, бадбўй ҳид кетади. Оёқ тирноқларини вақтида олиб турниш керак. Тирноқлар этга ўсиб кирмаслиги учун тирноқнинг ён томонини уича чуқур олмаслик лозим.

Ҳамиша ўзингизга мос пойабзал кийинг. Агар пойабзал тор бўлса, оёқ шилинади, қадоқ пайдо бўлади, ҳатто бармоқлар қийшайиб қолади. Сизнинг ёшингиздаги қиз болалар пойабзалининг поинтаси 1—2 сантиметрдан баланд бўлмаслиги керак. Бундай поинтада тананинг оғирлиги яхши тақсимланади (асосий оғирлик товоңга тушади), юриш қулай бўлади, оёқ уича чарчамайди. Қадам ташлаш эса енгил ва чиройли бўлади.

Ҳамма ҳам чиройли кийингиси келади. Бу жуда соз. Аммо кийим-бош организмга фойда келтириши мумкин бўлганидек, зиён заҳмат етказиши ҳам мумкинилигини билансизларми? Организмга зарар етказмайдиган кийим деганда, терни ва ишон баданидан ажраладиган ёгин ўзига яхши сингдирадиган, ҳавони яхши ўтказадиган, осон тозалашидиган газламалардан тикилган кийимларни назарда тутамиз. Сизларга айтадиган яна бир муҳим гапим шуки, кийимни мавсумга қараб кийинг. Биз буни яхши биламиз, дейишлигиз мумкин. Аммо қаттиқ совуқда юпқа пайлоқ кийиб кетаётган қизларни кўп учратиш мумкин. Ота-оналар қизларини трико (жундан тўқилган узун лозим) ёки рейтуз (хотин-қизлар ва болалар киядиган трикотаж лозим) кийишга кўндиргунча баъзан жуда қийналиб кетадилар.



Қишида яхшиси жун газламадан тикилган күйлак кийиш зарур, чунки жун иссиқликни кам ўтказади ва совуқдан яхши сақтайди. Ёзда эса, аксина, иссиқликни яхши ўтказадиган ва намин ўзига тез сингидирадиган газламалардан -- зипириоя газмоли ва иш газламалардан тикилган күйлак кийган маъқул. Каирон ва пайлоқ күйлаклар, пайноқларнинг кўриниши чирошли бўлса-да, уларни (айниқса бундай ич кийимни) босим кийиб юриш тавсия этилмайди. Чунки бундай кийим ёзда бадау нингизни қизлариб юборади, қишида эса совуқдан сақлай олмайди.

Баъзи қизлар узоқ вақт каирон пайлоқ кийиб юрганда оёқлари оғришидан нолийдилаар. Шунин унутмангли, каирон ва нейлон газламалардан тикилган кийимларни фақат аҳён-аҳёндагина, шунда ҳам унча иссиқ бўлмаган, шунингдек, қаттиқ совуқ ҳам бўлмаган оғришидан иссиқ бўлмаган, шунингдек, қаттиқ совуқ ҳам бўлмаган пайтларда кийиш мумкини.

Жумладан кийим-бошнинг, айниқса ички кийимнинг бичими эгасига мос бўлиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Белбоғ белни қаттиқ сиқиб турмаслиги керак, сийнабанд тор бўлмасин. Акс ҳолда тўғри нафас олиш қўйинлашади, баъзаи ҳатто қадди-қомат ҳам ўзгаради. Пайлоқ кийганда оёқни қисиб турадиган юмалоқ резинка тақиши жуда заарли. Резинка оёқ тўқималарини эзиди, қон айланишига халақат беради. Ҳатто сиз тенги қизлар ҳам бундай резинкани узоқ вақт тақиб юрса, вена томирлари кенгайиши касаллигининг аломуатлари пайдо бўлиб, резинка ўрнида чуқур ва хунук из қолади.

Сизларнинг энгил-бошингиз ҳамиша озода, яхшилаб дазмолланган бўлиши керак. Мактаб формаси доим яп-янгидай кўриниб турсни учун ўйга келгап заҳоти уни сишиб қоқиб тозаланг-ла, кийим осқичга илиб қўйинг. Уй кийими сингил, қулав, осоп ювиладиган бўлгани маъқул (фланель ёки иш газламадан тикилган бўлсин). Уйла кофтача билан шим кийиб юриши ҳам жуда қулав.

Қизлар, кийим-бошингизга эътиборсиз бўлманг, доимо покиза кийимнинг, ана шунда сиз ҳаммага сухсурдай кўринасиз.

Сенинг ёшинг балогатга стих даври эканини, бу даврда жинсий безлар, яъни тухумдонлар фаолияти кучайишини боя айтиб ўтган эдик. Тухумдонлар кичкини, ранги саргиш, шакли юмалоқ ва майдада бўлади. Тухумдонларда жуда кўп миқдорда (100 мингга яқин) тухум ҳужайралар бўлиб, улар жинсий жиҳатдан балогатга етиш даврида ривожлана бошлайди. Бу организми фаолияти бошқа ички секреция безларни билан чамбарчас болгич, шу безлардан бирортасининг фаолияти бузилса, тухумдонлар ҳолатига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Қизлар 12—13 ёшга етганда тухумдонлар фаолияти кучаяди. Бу даврга келиб қизлар тез ўсади, уларнинг вазни ортади, ташкин кўриниши ўзгаради, «иккинчи жинсий белгилар» пайдо бўлади: қов супасида ва қўлтиқ остида жун пайдо бўлади, сут безлари катталашади. Бачадон ҳам фаолиятини бошлайди. Бачадон нок шаклини эслатади ва унча катта бўлмайди (муштумдан сал кичикроқ). Аёл киши ҳомилани бачадонда кўтаради. Бачадон қорин бўшлигининг настки қисмida (кичик тос-

да), қовуқ билан тұғри ичак оралығыда жойлашган бүләди. Бачадон девори силлиқ мускулдан иборат бўлиб, ич томондан шиллиқ қават билан қопланган.

Тухумдонлардан ажраладиган гормонлар таъсирида бачадонда даврий ўзгаришлар содир бўла бошлайди, бошқачасига айтганда, қиз бола ҳайз кўради. Ҳайз кўриш пайтида ташқи жинсий аъзолардан қон аралаш суюқлиқ ажралади. Бў нарса маълум муддат оралаб — ҳар ойда бир марта тақрорланаади ва бунда тухумдондан тухум ҳужайра чиқади. Ҳайз кўриш пайтида бачадон шишади, томирлар қонга тўлиб кенгаяди, бачадон ички аъзосидаги шиллиқ қават 3—4 ҳисса қалинлашади. Шишган шиллиқ қаватдан қон келади, шиллиқ қават қисман кўчади — ҳайз кўриш пайтида бўладиган ҳамма ўзгариш шундан иборат. Ҳайз охирлаб қолганда бачадон яна дастлабки ҳолатига қайтади.



Қизлар кўпинча 12—13 яшарлигидан бошлаб ҳайз кўра бошлайди, лекин бу нарса эртароқ ёки кечроқ бошланиши ҳам мумкин. Одатда бу давр ҳар 21—30 кунда мунтазам равишда тақрорланаб туради, лекин ҳар бир қизда ҳайз циклининг муайян тиши қарор тонади, шу муайянлик кейинчалик ҳам сақланиб қолади. Ҳайз бошлангач, кейинчалик ҳар ойда давом этмаслиги ҳам мумкин: баъзан биринчи марта ҳайз кўргандан кейин бир неча ой тўхтаб қолиши мумкин, шундан кейин эса мунтазам келиб турадиган бўләди. Ҳайзининг вақтинча тўхтаб қолишига қўйнадигилар: қиз бола бошндан кечирган оғир касаллик ёки имтиҳон пайтида қаттиқ чарчашиб; витамини кам овқатлар сийиш (айниқса баҳорда); турли органлар касалликлари (бодомча безларниң хроник яллигинини, жигар, ўт нуфаги ва бошқа органлар касалликлари) сабаб бўлиши мумкин.

Ҳайзининг неча кунгача келиши ва ажраладиган қон миқдори организмиning қай ахволда эканига боялиқ бўләди. Одатда ҳайз 3—5 кун давом этади. Бу даврда баъзи қизлар ўзларини лоҳас сезаётганиларидан, бошларининг бир оз оғриши, сал-нал силла қуриши, кайфиятниң яхши бўлмаслигидан шикоят қиласидилар. Қорин насти ва бел симиллаб оғриши мумкин. Лекин бу ҳодисаларниң барчаси касаллик эмас, балки тухумдонлар циклик функцияси ва барча ички секреция безлари фолиятига алоқадор бўлган бутун организмининг жуда мураккаб қайта қурилиши аломатидан иборат.

Ҳайз ҳамма қизларда ҳам бир хил кечмаслиги, ҳайзиниг давом этиши ва қонли ажралмалар табиати маълум цикллар даврида турлича бўлиши мумкин. Ҳайз қандай кечастгани ҳақида врачга ва онангга тұғри маълумот бернишинг учун жажжки календарь тузиб ол.

Бунинг учун катақ чизиқлы дафтар ёки миллиметрлар (чертёж, план ва шу кабиларни чизиш учун бир миллиметрли қилиб катақларга бўлиб чиқилган махсус қогоз) дан бир варақ олгии-да, уни графаларга ажратиб чиз. Эннига ойларни ёзиб чиқ, ҳар бир ойга уч катақ ажрат, бўйига эса ой кунларини (1 дан 31 гача) белгила.

Ҳар ой қонли ажралма қанча келганини календарга қайд қилиб



шіл зарур, сочиқни ишлатыб бўлгандан кейин қуритиб, тоза целлофан пакетта солиб қўйиш керак.

Бу даврда фақат душда чўмилиш мумкин. Ваннада ҳам, дарёда ҳам зинҳор чўмила кўрманг. Айниқса совуқ сувда чўмилиш хавфли, чунки бунинг оқибатида қон кетиши чўзилиб, жинсий органлар яллигланиши мумкин.

Ҳайз пайтнда қонли ажралма баданга ва ички кийимга тегмаслиги учун гигиеник белбогдан фойдаланиш даркор. Бундай белбогни дори-хонадан сотиб олсанг ҳам бўлади ёки ўзинг ясаб олишиниг ҳам мумкин. Бунинг учун кичикроқ бир бўлак паҳтани чўзинчоқ қилиб бинт ёки юп-қа тоза латтага ўраш керак. Қуруқ паҳтанинг ўзини қўйиш ярамайди, чунки паҳта қўйилган жойига илашиб қолаверади. Уци булганишига қараб дам-бадам алмаштириб турплади. Бу даврда албаттa иссиқроқ трико кийиш зарур.

Ҳайз даврида қиз ўзини бир оз лоҳас сезиб, боши оғриса ҳам, буни касаллик деб ҳисобламасдан одатдагича яшайвериши керак. Чунончи, эрталабки гимнастика машқларини бажаришини давом эттиравериш, уй-рўзгор ишларига қараваш, мактабга қатнайвериш лозим. Фақат қон кетишини кучайтирадиган хатти-ҳаракатлардан: велосипед миниш, чангидаги юриш ва коинъи учиш, снарядларда жисмоний машқлар билан шуғулланиш, югуриш ва сакрашдан вақтнинча ўзингни тийишиниг керак. Йираклар ва қовуқнинг ўз вақтида бўшаб туришига алоҳида эътибор бериш зарур. Лгар бу аъзолар тўлиб кетса, уларнинг орасида жойлашган бачадон шаклини ўзгартиради, буралиб қолади, натижада унда қон йигилиб қолиши ҳамда оғриқ пайдо бўлиши мумкин.

Ҳайз кўришнинг бошланиши қиз боланинг балогатга етганлигидан далолат беради, лекин инсон 20—21 ёшга тўлгандагина тўла баркамолликка етишади. Ҳозир эса сенинг организминг ўсишда давом этади, орган ва тўқималариниң ҳали беками-кўст ўсиб ва ривожланиб бўлганича йўқ.

Бу даврда қандай кийинниш кераклигини билиш ҳам жуда муҳим. Ёзда баданга ёпишиб турадиган трусик, қишида эса иссиқ трико, рейтуз (хотин-қизлар ва болалар киядиган трикотаж лозим) ва иссиқ ботинка кийиш зарур.

Совуқдан эҳтиёт бўлмасангиз, жинсий органларни шамоллатиб қўйиншигиз мумкин.

Сен ўзингнинг ҳар тарафлама уйғун ривожланишиниг тўғрисида ўйлашга ҳам вақт топа оласан.

Бу рисолада айтилган маслаҳатларга қулоқ сол. Маслаҳатларимиз оддий ва уларни бажариш осон.

ХУЛОСА

Кишининг ўсмирлик палласини «балогатга етиш даври», «етуклик даври» деб ҳам атайдилар. Ҳа, бу гапда жон бор: сен фақат жисмоний жиҳатдангина эмас, маънавий томондан ҳам анча етилиб қолдинг. Шунинг учун ҳам катталар сенга илгаридағига қарaganда күпроқ талабчан бўлаётирлар. Сен ҳам катталар ва дўстларинг билан бўладиган ўзаро муносабатларда ўзингга писбатан талабчанликни оширишинг керак. Сенинг характеринг қандай бўлиши, дўстларинг, дугоналаринг, уйингдагилар билан муносабатларинг қанақа бўлиши энди кўп жиҳатдан ўзингга боғлиқ бўлиб қолди.

Сўнгги пайтда кайфиятинг тез-тез ўзгариб турадигаи бўлиб қолди, баъзан катталар ва дугоналаринг билан гаплашганингда қўрслик қиласан, ўзингни тутиб олишинг керак. Сен энди ўзингни ҳар нарсадан тия оладиган даражада катта бўлиб қолдинг. Атрофдагиларга зинҳор қўполлик қилма, чунки ўзингни тутолмай қаттиқ гап айтиб юборганингдан кейин ўзинг хижолат бўлиб юрасан. Хушмуомала бўлсанг аксинча, одамлар билан мулоқотда бўлиш ҳам осон, ҳаёт ширин туюлади.

Сен ҳойнаҳой лайқагандирсан, ойниг ишдан қайтганида, қанчалик чарчаган бўлмасин, ҳамма вақт сенинг ҳаётини билан қизиқади: «Мактабинида нима гаплар, ишларинг қалай, кайфиятинг яхшими?» деб сўрайди. Унинг сенга бўлған бу меҳрибончилигидан руҳиниң енгил тортади, ўзингни тетик ҳис этасан, чунки биласанки, ойниг ҳамма вақт сенга ёрдам беришга тайёр, агар бирор нарсадан қийналиб юрган бўлсанг, энг тўғри йўлни кўрсатиб берадиган ҳам ойниг. Сен ҳам ойингга шунчалик меҳрибонмисан? Унинг кайфияти, аҳволи-руҳияси қанақалиги билан тез-тез қизиқиб турасаними? Ойим бугун мега жохушлар, деб ич-этингни еганмисан? Сен бу саволларга «ҳа» деб жавоб беришинг мумкиндири-у, лекин ҳамиша шундай бўлган эмас. Тўғрими? Шуни билгинки, у сенинг меҳрингга, шахсий ишларида сенинг ҳам иштирок этишингга жуда муҳтож. Агар сен унга жинидай меҳрибонлик кўрсатсанг, у қувончларини ҳам, гам-тапишларини ҳам, хизмати билан боғлиқ ишларини ҳам сен билан баҳам кўришга тайёр.

«Ойингни яхши кўрасаими?» — деган саволга ҳар бир ўсмир «ҳа» деб жавоб беради. Лекин, агар «сен буни нима билай исботлайсан?» дейилса, баъзи бирорвлар мум тишлиб қолиши турган гап. Эртакларниг бирида ҳикоя қилинишича, учта аёл қудуқдан сув олаётуб, ўғилларни уларни қанчалик яхши кўриши хусусида гаплашиб қолишибди. Биринчи аёлнинг ўғли жуда шўх ва чапдаст экан. Бу бола аёллар олдида роса ўмба-лоқ ошиб, ўзининг қанчалик чақонлигини намойиш қилибди. Иккиичи аёлнинг ўғли моҳир музикачи экан, у най чалиб онасини хурсанд қи-

лібди. Аммо шұх бола ҳам, музикачи ҳам оналарининг оғирини енгил қыладын бирор иш қилишмабди. Учинчи аёлнинг ўғли эса сувга тұла қелак күтариб кетаётган онасини күриши биланоқ юргурганича унинг олдага келибди-да, қелакни құйылдан олиб, уйигача күтариб борибди.

Сен ҳам ўз онангни учинчи аёлнинг ўғли сингари севгин, жамики уй-рұзғор ишларыда унга қараған. Онангнинг телевизор күриш, кино-ға тушиш, у-бу нарса ўқишиң вақт топиш-топмаслиги күп жиҳатдан сен-га ҳам боғлиқ. Ахир буларнинг ҳаммасини онанг сендан кам севмайды, фақат вақти кам, холос.

Одамлар ўртасидаги әнг бебаҳо түйфу — дүстлик түйғусидир. Сен «Дүстларни асранг» деган ажайиб құшиқни әшитган бұлсанғ керак. Тұғри, бу құшиқ каттароқ ёшдаги кишиларга аталған, лекин бунинг фарқи йўқ. Одамнинг ҳар қандай ёшда ҳам дүстлари бўлиши зарур, дүстликни фақат катталар әмас, ёш болалар ҳам қадрлашлари лозим. Чунки ҳаётда дўстсиз яшашиб жудаем қийин. Шуни билгинки, сенинг әнг катта ва әнг содиқ дўстинг бор, у ҳам бўлса — онанг. Баъзи қизларимизнинг онасининг гапига қулоқ солмасдан: «Йўқ, мен бундай қилмайман, чунки дугонам мана бундай қилсанг яхши бўлади, деди», деганга ўхшаш гапларини әшитганингда жуда хафа бўлиб кетасан киши. Сен дугонанг ва дўстларингнинг маслаҳатига қулоқ солар экансан, бунинг ёмон томони йўқ; шубҳасиз, улар билан ҳам ҳисоблашиш зарур. Лекин одоб юзасидан онангга терс гапирмаслигинг керак. Агар чуқурроқ ўй-лаб кўрсанг, онангнинг маслаҳати аксари тўғрироқ бўлиб чиқади, чунки у катта ҳаёт тажрибасига эга, кўпни кўрган ва кўп нарсани билади.

Сенинг дугоналаринг кўп, дўстларинг ҳам. Сен улар билан бир уйда яшайсан ёки бир синфда ўқыйсан. Сизлар биргалашиб кино ва театрга борасиз, бир-бирингизни кида меҳмон бўласиз; ғам-ташвишларингиздан ҳам, хурсандчилкларингиздан ҳам бир-бирингизни воқиф қиласиз, қийин пайтларда бир-бирларингизга ёрдам берасиз. Сизлар бирга бўлганда ҳеч қаочон зерикмайсиз. Лекин, фақат қизлар билан әмас, ўғил болалар билан ҳам дўстлаша билмоқ керак. Сизлар энди кан-кatta бўлиб қолдингиз ва шу боисдан қулогингизда бўлсинки, ўғил болалар билан самимий дўстлик алоқаларини боғласангиз бундай дўстлик сизнинг кейинги оиласи ҳаётингизда жуда асқотади. Чунки оиласида дўстлик ва ўртоқлик шу оила аъзоларининг бир-бирини тушунишига ва оиласида мустаҳкамланишига ёрдам берувчи әнг асосий кучдир.

Сўзимизнинг охирида яна ўша «гўзаллик» тушунчасига қайтиши лозим топардик.

Бир қиз менга қуйидагиларни сўзлаб берди: «Мен чиройли әмасман, шунинг учун синфимиздаги болалар менга унча эътибор бермай юрдилар... Ҳамманинг фикру зикри ичимиздә әнг чиройли бўлган Таняда эди. Буни кўриб хўрлигим келарди. Бир куни онам билан ёлғиз қолганда кўнглимдаги ҳамма гапларни тўқиб солдим. Шунда онам менга: инсон **аввало маънавий жиҳатдан** бой ва истараси **иссиқ бўлиши** керак, шундай одамнингца биз гўзал дея оламиз», деди. Онамнинг бу гаплари

менга қаттық таъсир қилиб, мен кўп ўқиши, кўргазма ва музейларга бориб туришни одат қилдим. Мен қанчалик ўсганлигимни, сифимииздаги болаларга кўп нарсалар ҳақида ганириб бериб, улар билан ўртоқлашишим мумкинлигини ўзим ҳам тушуниб қолдим. Ҳозир болалар жонжон деб мен билан дўст бўляптилар». Ҳар ким ўзини хушфесъл ва одамшаванда қилиб тарбиялаши керак, кишининг ташқи кўриниши эса баъзи бирорлар ўйлагандек, учча катта аҳамиятга молик эмас. Ҳаётда хунук одам йўқ, лекин бадфеъл одамлар эса, афуски, бор.

Мундарижа

Сарвқомат бүл	5
Терингни парваришиң қишлишга одатлаң	10
Сочиггии парваришиң қишлишни ўрган	12
Күз гавҳардан қиммат	15
Ҳар нарсанинг ўз вақти бор	19
Қандай овқатланиш керак	25
Поклигинг — соғлигинг	28
Худоса	36

На узбекском языке
ВИНОВКИНА ИРИНА СЕРГЕЕВНА

ДЕВОЧКЕ — ПОДРОСТКУ

Издательство «Медицина» УзССР, Ташкент—700129,
Навои, 30.

Таржимон *A. Мұхаммадқұлов*
Редактор *M. Орифжонова*
Бадий редактор *G. П. Бедарев*
Рассом *M. Я. Язибшан*
Техредактор *L. Жихарская*
Корректор *M. Хайдарова*

«Медицина» наприятиининг русча нашридан
таржима
Москва, 1973.

ИБ № 125

Теришга берилди 27/IV-1977 й. Босишга рухсат этилди.
1/VII-1977 й. Қоғоз формати $70 \times 90\frac{1}{16}$. Қоғоз № 1.
Босма л. $2,5 +$ вкл. 0,5. Шартли босма л. $2,92 + 0,58$ вкл.
Нашр ҳисоб л. $2,37 + 0,64$ вкл. Нашр. № 283—76.
Тиражи 40 000. Бағоси 25 т.

УзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия па
китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитети 3-бос-
махонасининг I-цехида босилди. Тошкент, Радиал пр., 10.
Заказ № 683.